ЯНГИ ЛОЙИҲА ТАТБИҚ ЭТИЛМОҚДА 2-бет

МУРУВВАТИМИЗНИ ДАРИҒ ТУТМАЙЛИК 3-бет

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ — УСТУВОР ЙЎНАЛИШ 4-5 бетлар



ОЛИМПИЯЧИЛАРИМИЗ СОНИ КЎПАЙМОҚДА 8-бет

ПАЙШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ | № 34 (10.087) | 2004 ЙИЛ 19 ФЕВРАЛЬ

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА сатрларда

● **КЕЧА** Ўзбекистон Давлат консерваториясида пойтахтимиздаги Гёте институти томонидан немис санъаткорлари иштирокида «Берлиндан янги мусиқа» деб номланган концерт томошаси ўтказилди.

● **ТОШКЕНТ** Темир йўл муҳандислари институти қошидаги Миробод академик лицейида шаҳримиздаги ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими ўқув муассасаларининг директор ўринбосарлари иштирокида уюштирилган семинарда ёшларга хорижий тилларни пухта ўргатиш хусусида сўз борди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат шарқшунослик институти ҳамда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетлари ҳамкорликларида талабалар ва ўқитувчилар иштирокида ташкил этилган анжуман «Илм-фан ва ёшлар» деб номланди.

● **«ЭКОСАН»** халқаро жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими томонидан «Экология ва саломатлик» кунлари доирасида фаоллар йиғилиши уюштирилди.

● **«COSCOM»** Ўзбекистон—АҚШ қўшма корхонасининг «Горизонт—2» деб номланган янги станцияси шаҳримизда фаолият бошлади.

● **ТОШКЕНТ** Давлат юридик институти қошидаги «Талабалар» уюшмаси ташаббуси билан ўтказилган тадбир «Фуқаролик жамиятини қуришда ёшларнинг ўрни» деб номланди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**



«OFFICE MARKET» корхонасининг замонавий маҳсулотлари ҳеч бир харидорни бефарқ қолдирмайди.

**СУРАТДА: корхонанинг таъминот хизмати бошлиғи Шерзод Салимов харидорни янги турдаги маҳсулот билан таништирмоқда.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.**

## ЁШ ИҚТИДОРЛАР ШУҲРАТИ

***Пойтахтимиздаги «Sanvikt» ногирон болалар ижодиёт марказига Япониядан хушхабар келди. Кунчиқар юртнинг Канагава шаҳрида ўтказилган 12-Халқаро болалар ижодиёти кўргазмасида ушбу марказдан юборилган эллик нафар бола чизган расмлар энг яхши деб эътироф этилди. Жумладан, 14 ёшли Лобар Маматқулова «Меҳмонда» иши билан иккинчи ўринга, 11 ёшли Турсунбой Мирзамирсаидов «Футболчилар» сурати учун учинчи ўринга муносиб топилди.***

— Бу марказимиз болаларининг илк муваффақияти эмас, — деди унинг раҳбари Гулсара Ражабова ЎзА мухбирига. — 2002 йилда Афинада ўтган «Греция болалар нигоҳида» халқаро кўргазмасида Бахт Кашенов ҳамда Малика Кенжабоева биринчи ўринга лойиқ топилиб, олтин медаль билан мукофотланган эди. Ўтган йил ниҳоясида эса ўқувчиларимиз ЮНИСЕФнинг юртимиздаги ваколатхонасини ўзлари ишлаган панно билан безатиш шарафига муяссар бўлди.

Айни вақтда «Sanvikt» ўқувчилари республика миқёсидаги турли санъат фестиваллари, кўрик-танловлар, бадиий кўргазмаларда фаол иштирок этиш баробарида бу йил Туркия, Словакия, Миср, Чехияда ўтказиладиган болалар расмлари халқаро кўргазмасига қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

Айтиш жоизки, мазкур марказ 1999 йилда ташкил этилган. Унинг ўқувчилари тиббий кўмакка муҳтож болалар, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларидир. Бу ерда тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, наққошлик, гиламдўзлик, лок миниатюраси, зардўзлик каби тўгараклар фаолият кўрсатади. Айни пайтда инглиз тили ҳамда компьютер саводхонлиги бўйича ўқув машғулотлари ҳам ташкил этилмоқда.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кеча Оқсаройда Японияниг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Акио Каватони қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон-Япония муносабатларига доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

● Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Олий тоғ-кон кенгаши раиси, «Россия нефть-газ саноатчилари иттифоқи» кенгаши раиси Юрий Шапраникни қабул қилди. Учрашув чоғида Президент Ислом Каримовга «Горняк России» олтин нишони топширилди.

● Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида йил якунлари ва галдаги вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказилди.

● Наманган вилояти ҳокимлиги Наврўз умумхалқ байрамини муносиб кутиб олиш бўйича қабул қилган қарорига мувофиқ, энг яхши байрам сценарийси, саҳна безаклари учун танлов эълон қилинди.

● Кеча Тошкентдан Сурхондарё вилоятига навбатдаги «Экосан» саломатлик ва мурувват поезди жўнаб кетди.

● Тошкент вилоятининг Зангиота туманида кам таъминланган оилалардаги хотин-қизлар учун «Бўзсув лоласи» ўқув ишлаб чиқариш корхонаси очилди.

● Бухоро туманидаги «Работиқалмоқ» қишлоқ фуқаролар йиғини «Энг яхши фуқаролар йиғини» кўрик-танловида ғолибликни қўлга киритиб, компьютер билан тақдирланди.

● Андижонда товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасида «Ташаббус-2004» кўрик-танловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

### Жаҳонда

● Шу йил 14 март куни Россия Федерацияси Президентлигига бўладиган сайлов жараёнини кузатиш учун Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг халқаро кузатувчилар таркиби тасдиқланди.

● НАТОнинг Бош котиби Яап де Хооп Скеффер НАТО Ироқда тинчликпарвар ҳаракатларини олиб боришга тайёр эканлигини билдирди.

● Маълумки, ҳозир Гаитида мамлакат Президенти истеъфосини талаб қилиб исён кўтарилмоқда. «Франс Пресс» ахборот агентлигининг хабар беришича, Франция ўзининг собиқ мустамлакаси бўлмиш Гаитига тинчликпарвар кучларни юборишни режалаштирмоқда.

● Непал пойтахти Катмандуда қўзғолончи маочилар умум иш ташлаш эълон қилганидан сўнг пойтахтдаги барча ўқув юртлари ва савдо шохобчалари фаолиятини вақтинча тўхтатди.

● Ироқнинг Ҳилла шаҳрида жойлашган Польша армияси базасида камикадзе-террорчи портлатгич ўрнатилган автомобилни портлатиб юборган. Натижада икки нафар Ироқ фуқароси ҳалок бўлди, 8 нафар ҳарбий хизматчи тан жароҳатлари олди.

***Ўзбекистон Республикасининг Ригадаги элчихонасида «Нур» Латвия-Ўзбекистон жамияти ёшларининг якшанба мактаби очилди. Мактабнинг биринчи машғулотини Ўзбекистон элчиси Қобилжон Назаров ва «Нур» жамиятининг раиси Олим Абдусаидов ўтказишди.***

## Ригада ўзбек мактаби

Уларнинг фикрича, бундай мактаб ёш ватандошларимизнинг ўз она тили, маданияти ва ўзбек халқи анъаналарини унутмасликлари, уни ҳар томонлама ўрганишлари учун муҳим аҳамиятга эга. Латвияда Ўзбекистонда туғилиб ўсган жами мингдан зиёд фуқаро истиқомат қилади ва улардан 300 га яқини ўзбеклардир. Якшанба мактабининг биринчи машғулотига Рига, Саласпилс, Огре, Елгава ва Валмпера шаҳарларидан болалар ташриф буюришди.

Якшанба мактабининг машғулотлари ойда бир марта Риганинг конгресслар уйида бўлиб ўтади. Ўзбек тилини ўрганиш билан бир қаторда мактаб ўқувчилари Ўзбекистон тарихи, миллий санъат, адабиёт ва анъаналар билан мунтазам таниишиб борадилар. Ёз мавсумида эса ўқувчиларнинг Ўзбекистонга сафарларини ташкил этиш мўлжалланмоқда.

**«Жаҳон» АА**

## Террорчи жазога тортилди

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Каримов Азизбек Аҳмаджановичга оид жиноят ишини биринчи инстанция босқичида кўриб чиқди.

1999 йилдан буён халқаро қидирувда бўлган Азизбек Каримов 2003 йил май ойида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари томонидан ушланган.

Судда аниқланишича, у ваҳобийлик экстремистик гуруҳига аъзо бўлиб, 1998 йилда Чеченистонда халқаро террорчи Хаттоб бошчилигидаги ҳарбий лагерларда махсус тайёргарликдан ўтган. 1999 йилда Азизбек Каримов «Ўзбекистон исломий ҳаракати» диний-экстремистик ташкилотига аъзо бўлган, «Толибон» ҳаракати томонида Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатларда фаол иштирок этган. 2001 йил июль ойи охирида экстремистик гуруҳлар раҳбарларининг топшириғига кўра, у Қирғизистон Республикасига юборилган ва 8 кишининг ўлими ва 20 дан ортиқ фуқаронинг жароҳатланишига олиб келган иккита террорчилик ҳаракатларини содир этган.

Суднинг ҳукмига кўра, Азизбек Каримов терроризм жиноятини содир этганликда айбли деб топилди ва қилмишига яраша қонуний жазога тортилди.

**Олий суд матбуот хизмати.**

*Иқтисодиёт*

## ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КЕНГАЯДИ

***Мирзо Улуғбек туманида фаолият юритаётган «CONI-TA» хусусий ишлаб чиқариш ва тижорат фирмаси маҳсулотлари чиройи, чидами, рақобатбардошлиги билан буюртмачиларни мамнун қилмоқда.***

Ҳозирги кунда мазкур корхонада янги маҳсулот — Ўзбекистонда фақатгина мана шу ерда тайёрланадиган кодлаштирилган сейфларни ишлаб чиқариш жараёни қизғин паллада. Эътиборли томони, янги маҳсулот тайёрлаш учун ишлаб чиқариш цехи кенгайтирилиб, корхонада 6-7 та янги иш ўринлари яратилади.

Мазкур фирма Эрон давлатининг «Marjan E. Co» компаниясининг расмий ҳамкори бўлиб, корхона жамоаси кўплаб турдаги ўтга чидамли металлдан харидорлар дидига мос бўлган сейфлар, банк ва офислар учун мебеллар ҳамда жиҳозлар тайёрламоқда. Хом ашё эса асосан Эрон, Россия ва Қозоғистон давлатларидан келтирилади.

Ўтган йили корхонада тайёрланган 70 миллион сўмлик маҳсулотлар харидорларга сотилди.

## «ЗУЛРУҲ ТОҲИР» МАҲСУЛОТЛАРИ

***Биз нафақат тўй-тантаналар, таваллуд кунлари, балки ҳар куни қандолат маҳсулотларини севиб истеъмол қиламиз, ҳамда моҳир қандолатпазларимизнинг маҳоратларига таҳсинлар айтамиз.***

Шайхонтоҳур туманидаги «Зулруҳ-Тоҳир» шўъба корхонасининг 20 нафар ишчи-хизматчилари ҳамшаҳарларимиз дастурхонига 20 хилдан ортиқ қандолатчилик маҳсулотларини тортиқ қилмоқдалар. «Шодлик», «Айём», «Шоколадли» каби кўплаб мазали, чиройли безалган тортлар, «кум»ли (шакарли), қиёмли, мағизли, печеньелар, турли пряник ҳамда ранг-баранг пирожнийлар аллақачон ўз харидорларига эга. Улар барча ёшдаги мижозларга маъқул бўлмоқда.

Шунингдек, шўъба корхонада 3 турдаги харидорбоп макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши ҳам йўлга қўйилган. Ишлаб чиқариш цехида Россия давлатидан келтирилган замонавий ускуналар қандолатпазлар меҳнатлари унумли бўлишига хизмат қилмоқда. Ўтган йили корхона жамоаси саъй-ҳаракати билан шаҳримиз дўконларида 23 миллион сўмлик қандолатчилик маҳсулотлари сотилди.

Жорий йилда ҳам шўъба корхонаси тадбиркорлари харидорлар хоҳиш-истакларини инобатга олган ҳолда қандолатчилик маҳсулотларининг янги турларини ишлаб чиқаришга интилишмоқда.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

*Ташаббус-2004*

# ШАҲАР БОСҚИЧИГА ЙЎЛЛАНМА ОЛИШДИ

***Бектемир туман ҳокимлиги, туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда «Камолот» ЁИҲи туман бўлими кенгаши ҳамкорлигида «Ташаббус—2004»кўрик-танловнинг туман босқичи бўлиб ўтди.***





Туманнинг тадбиркорлари ва ҳунармандлари ўртасидаги танлов «Энг яхши тадбиркор» ҳамда «Энг яхши ҳунарманд» йўналишлари орқали ўтказилиб, унда иштирокчилар бир неча шартлар асосида беллашдилар. Кўргазмаларни баҳолаш, тадбиркор ва ҳунармандининг тақдимоти, тест синовлари орқали бўлиб ўтган танлов хулосаларига кўра «Энг яхши тадбиркор» номинацияси бўйича «Энерго қалқон» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Аман Бектаев, «Энг яхши тадбиркор» йўналишида теригa миниатюра ишловчи Жамшиддин Сайдалиевлар ғолиб деб топилди ва танловнинг шаҳар босқичига йўлланмани қўлга киритдилар.

—Биз ҳар йили ўтказиб келинаётган бу танловда янги-янги тадбиркор ва ҳунармандларни кашф этаяпмиз,-дейди туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси Шуҳрат Абдукаримов.—Шунингдек, туманимизда ўз фаолиятини яқинда бошлаган тадбиркорларга Миллий банкнинг туман бўлими томонидан амалий ёрдам кўрсатишга ҳам муваффақ бўлдик. Ниятимиз, танлов ғолиблари шаҳар босқичида ҳам яхши натижаларни қўлга киритишсин.

* * *

Миробод тумани «Темирйўлчилар» маданият саройида ҳам «Ташаббус»нинг туман босқичи бўлиб ўтди. Туманнинг тадбиркор ва ҳунармандлари ўртасидаги ушбу кўрик-танлов якунларига кўра «Энг яхши тадбиркор» номига «Акватех» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Албина Сафарова, «Энг яхши ҳунарманд» номига Сирожиддин Зиёмов лойиқ деб топилди ва улар туман ҳокимлиги, туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг қимматбаҳо совғалари ҳамда диплом билан тақдирландилар.

**Орзугул РУСТАМОВА**





**СУРАТЛАРДА: Бектемир туманида бўлиб ўтган кўрик-танловдан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

*Ҳамкорлик*

# ХАЛҚАРО МАЪРИФИЙ ЛОЙИҲА

***«Ижтимоий иқтисодиёт бўйича магистратура курсини ишлаб чиқиш» номли лойиҳани амалга оширишга киришилди. Европа иттифоқи ҳамкорлигида йўлга қўйилган ушбу маърифий лойиҳада Австриядаги Вена малака ошириш институти, Германиядаги халқаро менежмент мактаби, Қирғизистон Миллий университети, мамлакатимиз томонидан Ўзбекистон Фанлар академиясининг Иқтисодиёт институти ҳамда Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қатнашмоқдалар.***

Бу нуфузли лойиҳа учун 500 минг евро миқдорда грант маблағи ажратилди. Лойиҳа дастурига биноан илмий-услубий тўпламни чоп этиш режалаштирилди. «Марказий Осиё университетлари Европа сари йўлда» деб номланган ушбу нашр инглиз тилида босилиб, лойиҳа иштирокчиларига тарқатилади.

Шуниси муҳимки, Тошкент Давлат иқтисодиёт университетидан 20 нафар ўқитувчи микро ва макроиқтисодиётлар, молиявий эконометрия ва молиявий бозор билимлари бўйича чет элларда уюштириладиган малака ошириш курсларида қатнашади.

**Акбар АЛИЕВ**

## ЯНГИ УСЛУБ АСОСИДА

***Ўзбекистон Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти томонидан бир йил аввал дарахт кўчатларини биологик дренаж ёрдамида етиштиришнинг самарали услуби жорий қилинган эди.***

Институтнинг биологик дренаж ва дарахтларни тижорат мақсадида етиштириш лойиҳаси Фарғона водийсида МАШАВ (Исроил Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги халқаро ҳамкорлик маркази) кўмагида амалга оширилмоқда.

Кўкаламзорлаштиришнинг мазкур замонавий, экологик тоза услуби ер ости сувлари сатҳи, ботқоқ ва сув босган жойларда тупроқ шўрланишини пасайтириш, тижорат мақсадида ёғоч олиш, ер майдонларини қайта тиклаш ҳамда улардан самарали фойдаланиш муаммоларини ҳал этиш имконини беради. Айни пайтда биодренаж ёрдамида мажнунтол, Франция тераги ва жийда кўчатлари олинди.

Ҳозир институтда Америка тераги кўчатининг юздан ортиқ тури етиштирилмоқда. Шуниси эътиборга лойиқки, улар шўрланган ерда ҳам ўсмоқда. Дарахтлар Австралия ва АҚШда синовдан муваффақиятли ўтган.

*Аччиқ, аммо очиқ гап*

# УСТАБУЗАРМОНЛАР

***Ҳар бир соҳанинг ўз усталари бўлади. Уларнинг қойилмақом ишларидан эса барчанинг кўнгли тўлади.***

Лекин уста ўз ишига бепарво, яъни устабузармон бўлса-чи? Бундан одамлар фақат азият чекади, бир ташвишга бошқаси қўшилади. Чилонзор АТСи ходимлари орасида ана шундайларнинг учраши ва уларнинг ўз ишига совуққонлиги туфайли кўплаб истеъмолчилар норози бўлишмоқда. Сабаби кейинги вақтда уларнинг айби билан қош қўяман деб, кўз чиқариш ҳоллари содир бўлмоқда. Улар кабелларни ўрнатиш вақтида носозликларга йўл қўйиб, бир абонентнинг рақамларини чалкашлик билан бошқасига улаб қўйишади. Натижада телефон хизматидан бошқа истеъмолчи фойдаланадию, хизмат ҳақи сизнинг номингизга келади. Бунга аниқлик киритгунга қадар эса қанча югур-югуру асаббузарликлар сизни чарчатади. Юқоридаги суратда ҳам Чилонзор АТСи усталари томонидан Муқимий кўчасидаги 164-уйда чалкашлик билан ўрнатилган телефон симларини кўриб ёқа ушлайсиз. Бундай ҳолатларга мутасаддилар қандай қарашаркин ва ўз ишига бепарво усталарнинг таноби қачон тортиларкин? Қачонгача абонентлар сарсон бўлишади?



**(Ўз мухбиримиз)**

**Алексий Попов олган сурат.**

*«Камолот» хабарлари*

## ЎҚУВ ҚУРОЛЛАРИ СОВҒА ҚИЛИНДИ

***Жорий йилнинг Меҳр ва мурувват йили деб номланиши муносабати билан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Ҳамза туман бўлими Кенгаши томонидан кам таъминланган оилалар фарзандларига уларнинг ўқиш шароитларини яхшилаш мақсадида барча зарурий ўқув қуроллари совға қилинди.***

Жумладан, бундай ҳадялар мусиқа мактаб-интернати, 1-Тошкент давлат тиббиёт институти қошидаги академик лицейи, Авиасозлар, Темир йўллар, Қурилиш коллежлари, 5-бизнес мактаби, Компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежи ўқувчиларига тарқатилди.

Шунга ўхшаш қатор тадбирларни бошқа ўқув юртларида ҳам ўтказиш режалаб қўйилган.

## ФАОЛ ЎҚУВЧИЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

***Давлат арбоби, атоқли саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кунга бағишлаб «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Ҳамза туман бўлими Кенгаши томонидан 145-мактабда туман мактаблари иштирокида тадбир ўтказилди.***

Бу тадбирни ўтказишдан мақсад, русий забон ўқувчиларни ўзбек мумтоз адабиётининг йирик намояндаси Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижоди, у қолдирган адабий мерос билан таништиришдан иборат эди. Ўқувчилар Бобурнинг ғазалларини ёддан ифодали ўқиб беришди ва ўзаро баҳру байт ўйинларини ўйнашди. Ушбу учрашувлар ўқувчиларнинг билимини оширишга яхши ёрдам беради, албатта. Тадбир сўнгида фаол ўқувчиларга Фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

## ҚИЗИҚАРЛИ КЎРИК-ТАНЛОВ

***Буюк мутафаккир Алишер Навоий таваллудига бағишлаб «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Шайхонтоҳур туман бўлими Кенгаши томонидан Исломобод маҳалласида кўрик-танлов ўтказилди.***

Бу тадбирга 200 нафар ўғил-қизлар ва таниқли ёзувчилар ҳамда шоирлар таклиф қилинди. Ёшлар деворий газеталар, қизиқарли саҳна кўринишлари, ғазалхонлик, шеърхонлик намуналари бўйича чиқишлар қилишди. Ташриф буюрган меҳмонлар ҳам ўз дил сўзлари билан ёшларда катта таассурот қолдирдилар.

**Саида МАМАТИСАКОВА, «Бунёдкор» ёшлар телеклуби ходими**



***Мусиқага ошно қалблар ҳамиша ижод ва изланишдадир. Зеро, майин куй, жозибали қўшиқ сеҳри ҳар бир инсоннинг қалбида эзгу ҳислар уйғотиши табиий.***

***Куни кеча Тошкент архитектура-қурилиш институтида «Меҳр ва мурувват оиладан бошланади» мавзуида тадбир ўтказилди.***

*Тадбирлар*

## МЕҲР ВА МУРУВВАТ ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ

Тадбирни институтнинг Маънавият ва маърифат ишлари бўйича ректор ўринбосари Рихсивой Юсупов очар экан, миллий қадриятларимиз, ўзаро меҳр-оқибат кўрсатиш азалий анъаналар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини айтиб, йиғилганлар эътиборини бугун ўтказилаётган тадбир моҳиятига қаратди.

Тадбирда шаҳар «Нуроний» жамғармаси аъзолари фаол қатнашдилар. Жумладан, Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси қошидаги «Қалб эътиқоди» давраси раиси, таниқли шарқшунос олима Муборак Юнусхўжаева «Оила — меҳр булоғи», Пахтагул Расулзода «Оилада спорт», Ўзбекистон халқ артисти Тўти Юсупова «Меҳр-мурувват оиладан бошланади» мавзуларида талаба-ёшлар билан суҳбат олиб бордилар ва уларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

Шу куни институтда «Маънавият ва маърифат» куни деб эълон қилинди. Мураббийлар гуруҳларда маънавият дарсини ўтдилар, музейларга, театрларга экскурсиялар уюштирдилар.

**Нигора АЛИМОВА**

*2004 — Меҳр ва мурувват йили*

## ОДАМНИНГ ЮЗИ ОФТОБДАН ИССИҚ

***Меҳр-мурувват шундай қанотдирки, у билан инсон ҳаммадан ҳам юксакликка парвоз қилади. Биз азиз фарзандларимизни болаликдан инсонларга яхшилик қилишга, муҳтожларга ёрдам беришга, тиланчиларга садақа беришга, етимларнинг бошини силашга ўргатиб борадиган қўли очиқ, шафқатли, раҳмдил халқмиз.***

Меҳр-оқибат инсоннинг ички оламидаги эзгулик қуёшидир. Тошкентлик темирчи уста бағрикенг меҳр-мурувватли инсон бўлгани учун ҳам ўн тўртта норасида етим болаларни тарбиялаб вояга етказган. Меҳр-мурувват улуғланган жамиятда одамлар ўртасидаги оқибат, барака ҳамда рўшнолик вужудга келади, ҳаёт файзиёб бўлади. «Одамлар, инсонпарвар бўлинг! Бу сизнинг биринчи бурчингиз» деб айтган эди алломалардан бири.

Биз эшикдан кириб келган одамни очиқ чеҳра билан кутиб оламиз. Боримизни дастурхонга қўйиб, меҳмонга чой тутамиз. Жаҳонгир Искандар Арастудан сўрабди:

— Дунёнинг саодати нимадандир?

— Меҳр-мурувват, саховат, эҳсондан, — деб жавоб берган экан буюк олим.

Муқаддас Ислом динимизда ҳам бу масалага алоҳида эътибор берилади. Қуръони Каримда шундай оятни калима бор: «Эй Муҳаммад, сиздан кимга эҳсон қилиш ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «Нимаики хайр-эҳсон қилсангизлар, ота-она, қариндошлар, етимлар, мискинлар ва мусофирларга қилинглар! Ҳар қандай қилган эҳсонларингизни Аллоҳ билиб тургувчидир».

Сахийликда Ҳотамнинг довруғи оламни тутган. Яман мулкининг подшоҳи сахийликда Ҳотамдек ном чиқаришни ният қилиб, Ҳотам бир саҳройи кишидир, унинг на тожи, на тахти, на оламгирлик қуввати бор. Унинг бир неча оти, туяси, қўйлари бор холос. Шу аҳволда у қандай қилиб сахийлик қилсин? Мен эса Ҳотамнинг бир йиллик ҳосилини бир кунда бир гадойга бераман. Унинг юз меҳмондорчилигини бир меҳмоннинг эрталабки нонуштасига сарфлайман. Қисқаси мен отда бўлсам, у пиёдадир», деб катта кетади. Подшоҳ бир куни мамлакатда базми жамшид ташкил этади. Бутун халқ йиғилади. Дастурхонга анқонинг уруғидан бўлак ҳамма нарса тортилган бўлади. Меҳмонлардан бири оғзидан бол томиб, Ҳотамнинг сахийлигидан гапира бошлайди. Подшоҳ буни эшитиб, ҳасад ўтида ёнади. Токи Ҳотам тирик экан, ҳеч ким мени сахий деб мақтамайди, деб хуноб бўлади. Пулга имонини ҳам сотадиган бир каззоб ўғрини чақириб, унга буюради:

— Той қабиласига бориб, бор хийлангни ишга солиб, Ҳотамни ўлдириб қайтасан. Шу ишни бажарсанг, кўп инъомлар оласан.

Айёр ўғри, Той қабиласи яшайдиган маконга етиб боради. Йўлда чеҳраси очиқ, самимий, давлатмандлиги юзидан билиниб турган бир кишини учратади.

— Қаердан келяпсиз, меҳмон, қаерга боряпсиз?

— Ямандан келяпман, Шомга бораяпман.

— Бу кеча менинг кулбамга ташриф буюрсангиз, хизматингизда бўлайин.

Йўловчи рози бўлади. Мезбон уни тансиқ овқатлар билан сийлади, иззат-ҳурматини жойига қўйди.

Меҳмон ётиш олдидан дардини айтди.

— Яман подшоҳи шу ўлкада Ҳотам исмли бир киши борлигини эшитибди. Сахийликда, меҳр-муруватда машҳур эмиш. Бу хабарни эшитган подшоҳ ҳасад ўтида ёниб «Уни топиб, ўлдириб, бошини олиб келсанг жуда катта инъом бераман» деган. Менга ёрдам берсанг, Ҳотамни топиб, ўлдириб, подшоҳнинг молмулкига эга бўлардим.

— Мен Ҳотамман, мана, вақтни ўтказмай, бошимни кесгилу, хотиним ва хизматкорларим хабардор бўлмасидан тезроқ изингга қайт. Яман подшосининг муроди ҳосил бўлсин.

Ўғри бу киши Ҳотам эканлигини билгач, йиғлаб унинг оёғига йиқилади. Ҳотамнинг қадам изларини ўпиб, тавба қилади.

— Сендек саховатли, олижаноб одамни ўлдирмасман.

Ўғри подшоҳ ҳузурига бориб, бўлган воқеани унга гапириб беради. Подшоҳ ҳам Ҳотамнинг сахийлигига тан бериб, одамзод орасида бундай саховатли инсон йўқ, — дейди ва шундай байт айтади.

**Юз минг ўлгай бу жаҳонда бергучи кишига дирам,**
**Лек кимдур ул кишиким жонини қилгай карам.**

Эзгулик, меҳр-мурувват кўрсатиш ҳар қандай юксаклик сари қўйилган қадамдир. «Қўли очиқнинг йўли очиқ» дейди халқимиз.

**Нафинг агар халққа бешак эрур,**
**Балки бу наф ўзингга кўпрак эрур**

— деб қулоғимизга қуйдилар бобомиз Алишер Навоий. Дарҳақиқат, бирор бир кимсага яхшилик қилсанг, шуни билки, сенинг саховатинг, меҳрибончилигингдан у беҳад шод бўлгани каби, сенга ҳам шунчалик завқ насиб этади. Яхшилик ерда қолмас. У бир неча баравар кўпайиб ўзингга қайтади. Эзгулик фақат муҳаббатдан туғилади.

Тошкент музофотида қадимдан савоб ишга бел боғлаган, одамларнинг оғирини енгил қилишга доимо шай турган ўспиринларни мирза йигит деб алқайдилар. Набирам одамларга қайишсин, уларнинг кунига ярасин деган ниятдами Искандар бобом менга Мирза Анвар деб исм қўйиб берган эканлар. Умрим давомида одамларга савоб иш қилиб кам бўлмадим, уларнинг меҳр-муҳаббатига сазовор бўлдим. Раҳматли бувимлар болалигимда менга тарбия бериб: «Жоним болам, эрталаб Аллоҳнинг номини зикр қилиб, ўқиш ё ишлаш учун кўчага чиққанимизда «Бугун одамларга менинг ёрдамим тегсин, мени Аллоҳ қўллаб-қувватласин», деб ният қилинг. Шу ниятимиз нафл намозига ўтади» деб айтар эдилар. Қариндош-уруғ, маҳалладош, юртдошлар ғамини еб умргузаронлик қилиш буюк бахт-саодат манбаидир. Одамларга, жамиятга керак эканлигингни дилдан туйиш кишига қанчалар ҳузур-ҳаловат бағишлайди.

Таниш ва нотаниш, маслакдош-ҳамкасб, ватандош, инсониятга меҳр-мурувватли бўлайлик. Ахир ҳар биримиз инсонлар қалбига яхшилик уруғини сочиш, ер юзини жаннатга айлантириш учун дунёга келганмиз. Қалб гавҳаримиз жумлаи жаҳонни шуъладор қилсин.

**Мирза Анвар КАРИМОВ**



# БАРЧА ИМКОНИЯТЛАРНИ ИШГА СОЛИБ

***Инсоннинг камол топишида маънавий тарбиянинг аҳамияти улкандир. Киши маънавий оламининг бойлиги унинг эл эъзозлаган инсон ва етук мутахассис бўлиб етишишида муҳим ўрин эгаллайди. Бу шифокорлар, аниқроғи бўлғуси шифокорлар учун ҳам катта аҳамиятга молик масаладир. Чунки, ёш шифокор аввало юксак инсоний маданияти, одоб-ахлоқи ва билимини уйғунлаштирган ҳолда беморга шифо бериши мумкин. Зеро, улуғ аллома, буюк бобокалонимиз Абу Али ибн Сино ҳам инсоннинг танасини даволашдан аввал унинг қалбини шифолаш зарурлигини таъкидлагани бежиз эмас.***

Шу жиҳатдан олганда Тошкент педиатрия-тиббиёт институтида таҳсил олаётган талабалар ўзига хос оламга эга бўлган беморлар — болалар билан муомала қилишни, уларнинг қалбига кира олишни чуқур ўрганишлари касбни муваффақиятли ўзлаштириш ҳамда баракали хизмат қилишнинг сир-асрори, муҳим омили эканлигини ёдда тутмоқликлари даркор.

Институт маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси томонидан ҳозирги кунда беш мингдан ортиқ ходимлар ва талабаларнинг самарали ишлашлари ва ўқишлари ҳамда яхши ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Мазкур олий ўқув юртида мунтазам равишда таниқли ёзувчи, шоир, санъаткорлар билан қизиқарли учрашувлар ўтказиб турилади. Ҳар йили «Билим ва амал», «Қувноқлар ва зукколар» кўриклари, спорт мусобақалари, турли кўрик-танловлар ташкил этилмоқда. Инсон хотираси — муқаддасдир. Институтнинг тамал тошини қўйган марҳум ходимлар хотирасига бағишлаб ҳар йили анжуманлар ўтказиш хайрли анъанага айланган.

Талабаларда миллий ғурур, миллий ғоя, миллий мафкура ва қадриятларга бўлган эътиборни оширишга қаратилган тадбирлар институт профессор-ўқитувчилари билан ҳамкорликда ўтказилмоқда. «ТошПМИ маликаси», «Санъат ва баҳор байрами», «Мўъжизалар майдони» танловлари шулар жумласидандир. Талабалар шаҳарчасида талаба-ёшларнинг турмуш тарзини яхшилаш, маданий шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларни маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида ётоқхона бинолари тўла таъмирланган ва жиҳозланган.

Маънавият хоналари мунтазам равишда фаолият кўрсатиб келмоқда. Жорий йил давомида 49 нафардан зиёд маҳалла фаоллари, институт хотин-қизлар қўмитаси аъзолари, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ходимлари, диншунос олимлар, таниқли олимлар билан биргаликда давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилмоқда.

Институт касаба уюшма қўмитасининг саъй-ҳаракати билан ёзги соғломлаштириш мавсумида ходимлар ва талабалар Бўстонлиқ туманининг сўлим табиат гўшаларида жойлашган «Шифокор» ва «Педиатр» дам олиш масканларида соғлиқларини мустаҳкамламоқдалар. Жумладан, 202 нафар ходим ва 400 нафардан зиёд талаба ўтган ёзги соғломлаштириш мавсумида мириқиб ҳордиқ чиқардилар.

Институтда фаолият кўрсатиб келаётган «Билим ва амал» клуби иқтидорли талабалар иштирокида илмий-амалий анжуманни ҳар йили ўтказмоқда ҳамда тадбир ғолиблари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланадилар. Талабаларни рағбатлантириш мақсадида ҳар бир босқичга махсус стипендиялар таъсис этилиб, ҳар йили танлаб олинадиган энг иқтидорли талабалар унинг соҳиби бўладилар.

«Нишона» тўгараги иштирокчиларининг шеърият ихлосмандлари республика миқёсидаги ёш ижодкорлар кўригида қатнашиб совринли ўринларга сазовор бўлганликлари қувонарлидир. Институтнинг ўқув жамоаси ҳамда талабаларнинг маданий жиҳатдан ҳордиқ чиқаришларини таъминлашда «Шум бола» театр гуруҳи, «Навбаҳор» ансамбллари ўзининг ҳиссасини қўшиб келмоқда. Бундан ташқари мураббийлар ҳамда талабаларнинг театрларнинг қатор спектаклларига, концерт томошаларига, Темурийлар тарихи Давлат музейига, тиббиёт музейига ташрифи уюштирилди.

«Маънавият ва маърифат» жамоатчилик кенгаши фаолият кўрсатувчи бўлим ва тўгараклар ҳамкорлигида турли йўналишларда маънавий ва маърифий аҳамиятга эга бўлган 100 дан ортиқ тадбирларни касаба уюшмаларининг моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаши натижасида амалга оширди. Соғлом турмуш тарзи мавзусида «СПИД-XXI аср вабоси», «Терроризм-тараққиёт кушандаси», «Гиёвандлик—умр заволи» каби семинар-конференциялар ўтказилди». «Гиёвандликка қарши кураш», «Ичкиликбозлик ва кашандалик иллатлари — умр заволи» мавзуларида суҳбатлар, учрашувлар доимий равишда кафедра мудирлари, мураббийлар, маънавият ва маърифат бўйича масъул шахслар томонидан олиб борилмоқда. Институт хотин-қизлар қўмитасининг тавсиясига биноан аёл ходимлар ва талаба қизларни тиббий кўрикдан ўтказиш амалга оширилди. Муҳтож, ёлғиз оналарга мунтазам тарзда касаба уюшма қўмитаси томонидан моддий ёрдам берилди ҳамда байрам тадбирларида рағбатлантирилмоқда.

Институт кутубхонасида Мустақиллик йилларида чоп этилган ижтимоий-сиёсий ва бадиий адабиётлар мавжуд бўлиб, талабалар ўқув залларида мутолаа қилиб, билимларини оширмоқдалар.

Спорт—талабалар ҳаётининг ажралмас қисмига айланган. Талабалар республика, шаҳар миқёсидаги спорт мусобақаларида иштирок этиб, совриндорлар қаторидан ўрин эгалламоқдалар.

Жумладан, вакилларимиз «Универсиада-2003» мусобақаларининг II босқичида шаҳардаги олий ўқув юртлари талабалари ўртасидаги спорт беллашувларининг 10 тури бўйича қатнашиб, шахмат баҳсида битта иккинчи, баскетбол бўйича битта иккинчи, волейболчи қизларимиз тўртинчи ва йигитларимиз волейбол баҳсида бешинчи, стол теннisi мусобақаларида битта тўртинчи, эркин кураш, юнон-рум кураши ва миллий кураш беллашувларида фахрли иккита учинчи, футбол бўйича ҳам совринли учинчи ўринларни эгалладилар. Муҳими, қўлга киритилган ютуқлар билан биргаликда фаол қатнашиш, соғлиқни мустаҳкамлаш, спортнинг талабалар ҳаётидан ўрин эгаллаб, соғлом турмуш тарзининг аҳамияти тобора кучайиб бораётганлигидир.

Келажагимиз бўлган талаба ёшларимизни етук мутахассис, жисмонан бақувват, маънавий жиҳатдан баркамол инсон бўлиб вояга етиши йўлида меҳнатимизни, билимимизни асло аямаймиз.

**Абдишукур МАННОПОВ,**
**Тошкент педиатрия тиббиёт институти касаба уюшма қўмитасининг раиси**

# ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгашининг саҳифаси

## УСТУВОР ЙЎНАЛИШ

***Ишчи аҳлининг меҳнатини қадрлаш, муҳтожларга меҳр-мурувват кўрсатиш каби халқимиз эъзозлаб келаётган кўҳна миллий қадриятлар касаба уюшмалари фаолиятининг ҳам диққат марказидадир.***

Ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси шаҳар қўмитаси томонидан бу борада ўтган йилда қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, корхона ва ташкилотлар, маҳаллаларда яшовчи кам таъминланган, кўп болали ишчи-хизматчиларга моддий ва хайрия ёрдамлари кўрсатилди, уларнинг фарзандларини ўқув қуроллари, кийим-кечаклар билан таъминлаш учун корхоналар ҳисобидан 122 миллион 257 минг сўмдан зиёд, касаба уюшмаси ҳисобидан эса 5 миллион 460 минг сўм миқдорида маблағ сарфланди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган ёшлар учун янги иш ўринларини яратиш жамоа шартномаларининг бандига киритилган. Корхоналар ва ташкилотлар томонидан оталиққа олинган маҳаллаларга корхона маъмурияти ҳисобидан 314 миллион 45 минг сўмдан, касаба уюшма ҳисобидан 3 миллион 680 минг сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. Бу борада «Ўзлитинефтгаз», «Махсусэнергогаз» очиқ акциядорлик жамиятлари, «Ўзэлектртармоқ» шўъба корхонаси ва бошқа корхоналар сезиларли ишларни амалга ошириб келмоқдалар.

Тармоқ касаба уюшмаси шаҳар қўмитаси Шайхонтоҳур туманида жойлашган 98-махсус интернатга 1 миллион сўм миқдорида баҳоли-қудрат меҳр-мурувват ёрдамини берди.

Тармоқ касаба уюшмаси шаҳар қўмитаси томонидан касаба уюшмаларига қарашли сиҳатгоҳларга уруш ва меҳнат фахрийлари, илғор ишчилар, афғон воқеаларида ҳамда Чернобиль фалокати оқибатини тугатишда қатнашганларга 563 дона йўлланма ажратилган бўлса, шундан 39 донаси бепулдир. Шунингдек, «Геология фахрийлари» клубининг кам та[illegible]минланган фахрийлар[illegible] 50 минг сўм миқдорида меҳр-мурувват ёрдами кўрсатилди.

«Яхши дам — меҳнатга ҳамдам» дейди халқимиз. Тармоқ тизимида баракали хизмат қилаётган ишчилар ҳамда гидрогеологлар қўрғонидаги маҳалладаги меҳнат фахрийларидан иборат бўлган 280 нафарга яқин кишининг қадимий ва навқирон Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига саёҳатлари корхона ҳисобидан ташкил этилиб, улар тарихий обидалар билан танишиб, муқаддас масканларни зиёрат қилдилар.

Таниқли олимлар, шоирлар ва санъат намояндалари иштирокида «Ўзкимёфарм» очиқ акциядорлик жамиятида, «Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясида, «Ўзлитинефтгаз» очиқ акциядорлик жамияти ва бошқа ташкилотлар жамоаси билан биргаликда «Оламни асранг дўстлар», «Ўзбекистон — Ватаним маним» тадбирлари уюшқоқлик билан ўтказилди. Навоий шаҳрида ўтказилган «Она ва бола» анъанавий Республика III кўрик-танловида «Ўзлитинефтгаз» очиқ акциядорлик жамиятининг вакили фаол қатнашди. Ўтган йилда шаҳар қўмитаси томонидан «Отам, онам ва мен — спортсевар соғлом оила» шиори остида тадбир ўтказилди. Шунингдек, Муқимий номидаги давлат мусиқий театрига чипталар харид қилиниб, ишчи-хизматчиларнинг маданий ҳордиқ чиқариши уюштирилди.

«Ҳашар — элга ярашар», деб бежиз айтилмаган. Ўтган йил мобайнида ҳам шу эзгу анъанага амал қилиниб, тармоқдаги корхоналар ва ташкилотларда ўтказилган шанбаликларда 36 мингдан зиёд меҳнат аҳли фаол қатнашди. Корхоналар ҳудуди ободонлаштирилди, мевали ва манзарали кўчатлар экилди. Ободонлаштириш ишларига 3 миллион 380 минг сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. «Экосан» халқаро жамғармасининг шаҳар бўлими ҳисобига 7 миллион 650 минг сўмдан ортиқ маблағ ўтказилди.

Корхоналарда ҳам қатор ишлар бажарилмоқда. Жумладан, «Ўзлитинефтгаз» очиқ акциядорлик жамиятида фарзандини икки ёшга тўлгунга қадар парвариш қилганлиги учун оналарга 1 миллион 756 минг сўмдан ортиқ нафақа тўланди, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга 250 минг сўм, боқувчисини йўқотган учта оилага 75 минг сўм миқдорида моддий ёрдам берилди. Ходимларнинг 337 нафар фарзандларини ўқув қуроллари билан таъминлаш учун 3 миллион 666 минг сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди.

Шу билан бирга пенсия ёшидаги тўрт нафар ходимга санаторийга, икки нафар ходимга эса дам олиш уйларига йўлланма берилди. Муҳтож бўлган тўрт нафар ёлғиз пенсионерларга ҳам баҳоли қудрат моддий ёрдам кўрсатилди.

Бундай хайрли ишлар «Тошкент лак-бўёқ» заводи қўшма корхонасида ҳам амалга оширилганлигини мамнуният билан таъкидлаш ўринлидир. Корхона ишлаб чиқарган лак-бўёқ маҳсулотлари билан 99-ўрта мактабга 516 минг сўмлик, 223-ўрта мактабга 261 минг сўмлик, 241-ўрта мактабга 618 минг сўмлик, 23-ўрта мактабга эса 175 минг сўмдан ортиқ миқдорда ва «Нуроний» жамғармасининг шаҳар бўлимига 312 минг сўмлик ёрдам берди. Бундан ташқари «Оққўрғон», «Обод», «Шарқ гули» маҳаллаларига 156 минг сўмдан зиёд, 192-болалар боғчасига эса 166 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилган. Шунингдек, корхона фахрийларига 234 минг сўмдан ортиқ моддий ёрдам берилди.

Шунингдек, «Маҳалла» жамғармасига жами бўлиб, 2 миллион 66 минг сўм, «Экосан» жамғармасига эса 55 минг сўм миқдорида маблағ ўтказилган. Меҳр-мурувват кўрсатиш, хайрли ишларни амалга ошириш — олий қадриятдир. Бундай хосиятли, эзгу ишларга қўл уриш, имкон қадар савобли амалларни сидқидилдан бажариш ҳаммамиз учун ҳам фарз, ҳам қарздир.

**Гулбаҳор ҲАКИМОВА,**
**Ёқилғи, энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси шаҳар қўмитаси раиси**





## МЕҲР-ОҚИБАТ — ГЎЗАЛ ФАЗИЛАТ

***Маънавий баркамоллик шифокор учун ғоят муҳим хислатлардан ҳисобланади. Жумладан бизнинг «Нуроний» шифохонамизда ҳам ходимлар учун «Маънавият ва маърифат» хонаси ташкил этилиб, халқимизнинг бой тарихи, маданий меросимизга оид адабиётлар ва бошқа ўқув қўлланмалари билан етарлича жиҳозланган.***

Шифокор аҳли мавжуд имкониятлардан фойдаланиб мазкур адабиётлардан баҳраманд бўлиб, ўз савияларини ошириб келмоқда. Ҳар йилда тасдиқланган иш режаси асосида тадбирлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Миллий қадриятларимизни ходимларимиз онгига сингдириш мақсадида ҳафтанинг душанба кунида етук мутахассислар таклиф этилиб, маърузалар ўқилмоқда, қизиқарли суҳбатлар уюштирилмоқда. Шифохонада ходимлардан иборат гуруҳ тузилган бўлиб, маънавият-маърифат ишларини янада такомиллаштиришни назорат қилиш унинг асосий вазифасидир. Бош шифокори ўринбосари А. Азимов «Истиқлол — маънавият негизи», А. Юнусова «Маънавият ва тарихий мерос», М. Ғофурова «Оила ва маънавият» мавзуларида қатор маърузалар қилдилар. Тошкент шаҳар Адлия бошқармасидан ҳуқуқшунос А.Амриев ходимлар ўртасида ҳуқуқ, уй-жой, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистоннинг тарихий обидалари, қўлёзмалар тўғрисида суҳбатлар ўтказди. Шунингдек, тўй-ҳашамлар ва маъракаларни ортиқча исрофгарчиликсиз ўтказиш афзалликлари, фарзандлар тарбияси тўғрисида маърузалар, суҳбатлар ташкил этилди.

2004 йилнинг Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилиниши нур устига аъло нур бўлиб, халқимизга хос бўлган меҳр-оқибат, саховатлилик, савоб ишларга қўл уриш каби хайрли амалларни сидқидилдан бажаришга киши қалбини чорлайди. Шу билан биргаликда покиза оқ либосли шафокорларнинг зиммасига улкан масъулият юклайди. Шифокорга нажот билан қараб термулиб турган беморнинг кўнглини кўтариш, танадан аввал инсон руҳини даволаш зарурлиги, ширин сўз жон озиғи эканлиги ғоят муҳим омилдир. Буни зинҳор унутмаслик даркор. Яқинда шифохонада саховатли кишилар томонидан хайрия тадбири ўтказилиб, беморларга, шифохона ходимларига меҳр-мурувват кўрсатилди. Бундай эзгу ниятли хайрли амаллар инсонларнинг бир-бирига нисбатан самимий, меҳр-оқибатли бўлишига беғараз хизмат қилади.

**Шарофат ДАМИНОВА,**
**«Нуроний» шифохонаси касаба уюшма қўмитасининг раиси**

***«Дероз» Тошкентнинг қадимги маҳаллаларидан бирининг номи. Шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида бу маҳалланинг ўрни катта бўлган. Лекин бугун ҳикоя қилмоқчи бўлганимиз «Дероз» маҳалласи ҳақида эмас. Ҳамшаҳарларимиз ва шаҳримиз меҳмонларига ўзининг сифатли маҳсулотлари билан хизмат қилишни ўз олдига мақсад қилиб олган «Дероз» хусусий-ишлаб чиқариш корхонаси фаолияти хусусида тўхталиб ўтмоқчимиз.***

## ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА МАНЗУР МАҲСУЛОТЛАР

«Дероз» хусусий-ишлаб чиқариш корхонасида тайёрланаётган маҳсулотлар истеъмолчиларга манзур бўлмоқда. Бу корхона салкам 10 йиллик фаолияти даврида қатор ютуқларга эришди. Ўз фаолиятини бир неча хил карамель ва вафлили конфетлар ишлаб чиқаришдан бошлаган корхона маҳсулот турларини йилдан-йилга кўпайтириб бормоқда. 1997 йилда «Дероз» корхонаси Марказий Осиё-Америка тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи «Эйшен Кросс Роудз Лоун Компани» фонди билан 115000 АҚШ доллари миқдорида шартнома тузиб бу пулга қадоқловчи ускуна ва зарур хом ашёлар харид қилди. Меҳнатни ташкил этиш ва бозор эҳтиёжини ўрганиб иш кўриш натижасида корхона 1998 йилнинг октябрь ойида кредит суммасини муддатидан олдин тўлаб бўлди.

1999 йилда «Дероз» хусусий-ишлаб чиқариш корхонаси Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият банки билан 443000 АҚШ доллари миқдорида кредитга шартнома тузиб, бу маблағга вафли линиясини сотиб олди. Вафли линиясининг ишга тушиши корхона қувватини оширибгина қолмай, яна кўпгина бўш иш ўринларини ташкил қилишига имкон яратди.

«Дероз» хусусий-ишлаб чиқариш корхонаси таъсисчилиги остида бугунги кунда «Деза» шоколад фабрикаси очиқ ҳиссадорлик жамияти ҳам фаолият олиб бормоқда. Ҳусан Илҳомов раҳбарлик қилаётган бу икки корхонада бугунги кунда юзга яқин ишчи фаолият олиб бораётган бўлса уларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил қилади. Даромадга қараб буромад, деганларидек, маҳсулот савдосидан тушган маблағнинг бир қисми меҳнаткашларнинг ҳаёт тарзини яхшилашга сарф этилмоқда. Ишчилар бепул овқат, йўлкира ҳамда иш кийимлари билан мунтазам равишда таъминланмоқдалар. Бу ишларни амалга оширишда корхонанинг касаба уюшма қўмитаси раиси Моҳира Юсуповананинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Жумладан, туман кичик бизнес, савдо ва матлубот кооперацияси ходимлари касаба уюшмаси билан яқиндан алоқада бўлиб, меҳнаткашларнинг ишдан бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш учун турли концерт ва кўнгилочар тадбирларга оммавий равишда боришлари ташкил этилмоқда. Мунтазам равишда корхона аҳли «Митрофанов» номидаги сув спорти саройига имтиёзли нархларда чипталар билан таъминланиб келмоқда. Корхонадан 2 киши «Ҳумсон» санаторийсида соғлиқларини тиклади. Шу билан бирга касаба уюшма қўмитаси корхона ишчиларининг техника хавфсизлигини таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилишни асосий иш йўналишларидан ҳисоблайди. Жамоа шартномаси иш берувчи ҳамда корхона ишчилари ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштирувчи ҳужжат эканлигини чуқур ҳис қилган ҳолда бугунги кунда корхона касаба уюшмаси 2004 йил учун жамоа шартномаси тузиш устида иш олиб бормоқда.

Даромаднинг салмоқли қисмини хайрия тадбирларига сарф қилиш анъанага айланиб бормоқда. Корхона мурувват уйи, қариялар уйи ҳамда заиф эшитувчилар махсус мактабларини оталиққа олган. Меҳр ва мурувват йили муносабати билан хайрия ишларини бундан ҳам кўпроқ амалга оширишни корхона мақсад қилиб қўйган. Йил бошидан бери кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларга 40.000 сўмлик хайрия ёрдами кўрсатилди ва бундай тадбирларни кўплаб амалга ошириш кўзда тутилган.

«Дероз» хусусий-ишлаб чиқариш корхонаси туман Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси томонидан ўтказиладиган анъанавий «Ташаббус» кўрик-танловида мунтазам қатнашиб келмоқда. 1998 йилда ушбу кўрик-танловнинг «Йилнинг энг яхши корхонаси» йўналиши бўйича дипломига сазовор бўлди. 2003 йилда эса «Ташаббус» кўрик-танловининг Шайхонтоҳур тумани босқичида биринчи ўринни эгаллаб, шаҳар босқичига йўлланма олди. 1999 йили Тошкент 4-савдо-саноат ярмаркасида иштирок этиб, «Юқори сифатли маҳсулот» дипломига сазовор бўлди. 2000 йилда эса йилнинг энг яхши корхонаси деб топилди.

«Дероз» хусусий-ишлаб чиқариш корхонаси эришаётган барча ютуқлар замирида меҳнатни тадбиркорлик билан, маркетинг ва бозор эҳтиёжларини ўрганиш асосида ташкил этиш ётади.

**Умид ТУРСУНОВ,**
**Кичик бизнес, матлубот кооперацияси, савдо ходимлари ва хусусий тадбиркорлар касаба уюшмаси Шайхонтоҳур тумани вакиллиги йўриқчиси.**

## Шарқ дурдоналари

### Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Халқ ақлли кишиларни доно деб атайди, чунки улар инсонларга керакли нарсаларни ўйлаб топадилар.

● Инсон туғилганда камолотли бўлиб туғилмайди, уларнинг орасида аслида фарқ ҳам бўлмайди, хулқи, фаолияти, ҳаёти ўхшаш бўлади. Булар кейинчалик ўзгаради, яъни жамиятда одамлар орасида ўса бошлагандан кейин шаклланади.

* * *

Қисса:

Бир арслон ўз ёнида ўтирган бўри билан тулкига ҳамкорликда овга боришни таклиф қилиб деди:

— Ҳаммамиз ўрмоннинг турли тарафига тарқалайлик. Нимани ов қилсак, мана шу жойга келиб тақсимлаймиз.

Улар арслоннинг сўзини қабул қилиб, ҳар тарафга тарқалдилар. Бироз фурсатдан кейин арслон бир қулонни саж қилиб келтирди. Бўри бир кийикни, тулки эса бир қуённи олиб келди. Ўлжаларнинг ҳаммасини арслоннинг ёнига қўйдилар. Арслон буларни тақсим қилишни бўрига буюрди. Бўри арслоннинг олдига қулонни қўйди. Кийикни ўзига, қуённи тулкига берди. Бундан ғазабланган арслон бўрини тилка-пора қилди. Сўнгра ўлжаларни тақсим қилишни тулкига буюрди. Тулки арслонга таъзим қилиб:

— Ҳозир тушки овқат вақтидир. Дарҳол қулонни тановул қилинг. Кечки пайтда қорнингиз очса, кийикни тановул қиласиз. Эртага эрталаб уйқудан турганингизда юракнинг зардобини битириш учун қуённи ерсиз, жуда яхши даво бўлади, — деди.

Арслон тулкининг тақсимидан завқланиб:

— Сен бу мақбул тақсим қилишни кимдан ўргандинг? — деб сўради.

Тулки кулиб:

— Оёғингиз остида ўлиб ётган бўридан ўргандим, — деб жавоб берди.

Ҳисса: Инсон ҳар вақт бошқаларнинг қилган ишларидан ибрат олиб, ўз ишларини гўзал тадбир асосига қуриши керак. Агар шундай қилмаса фалокатга дучор бўлиши турган гап.

● Шайх Саъдий айтади:

— Танини эркалатиб, семиртириб юборган танпарвар кишидан ҳунарли киши чиқмайди, ҳунарсиз киши улуғликка муносиб эмасдир.

— Мард кишилар саъй-ҳаракат, меҳнат қилиб мақсадларига эришадилар. Эй ҳунарсиз киши, сен фақат нафсингни парвариш қилиш билангина қаерга етишмоқ истайсан?

— Энг аввал либосга белги, нишон қўйдирган ва бармоққа узук таққан киши Жамшид подшоҳ эди. Ундан:

— Нима учун ҳамма оройиш, зебу зийнатни чап қўлингга бердинг? Ҳолбуки, фазилат ўнг қўлдадир, — деб сўрадилар. Жамшид уларга:

— Ўнг тарафнинг ўнглик зийнати ўзига кифоя қилади, — деб жавоб берди.

Бир улуғ одамдан:

— Ўнг қўлнинг фазилатлари жуда кўп бўлса ҳам, нима учун узукни чап қўлга тақадилар? — деб сўрадилар. У айтди:

— Билмайсизларми, илм аҳли доимо дунё зийнатига унча илтифот қилмайдилар.

*Турмуш чорраҳаларида*

# ОНАНГНИ ҚАРҒАМА, ҚИЗИМ

Аҳмаджон билан санаторийда танишиб қолдик. У бир гапириб, ўн кулдирди. Вой унинг аскиялари, ичакузди латифалари — туну кун айтган билан адо бўлмайди. Ҳар гал «янгиси»ни айтиб ҳаммамизни лол қолдиради.

Юлдузим юлдузига тўғри келиб у билан дўст тутиниб, кейин қиёматлик ака-ука бўлдик.

Санаторийдан қайтгач, орадан уч-тўрт кун ўтказиб Аҳмаджонларникига бордим. — «Марказ—5»даги уйлар оралаб ниҳоят унинг квартирасини топдим. Эндигина қўнғироқ тугмачасини босмоқчи эдим, ичкаридан аёл кишининг нолиши эшитилди.

— Жон дадаси, урманг, болангизнинг олдида урманг. Бола қўрқади.

— Итвачча, сенларни уриб ўлдирган одам савоб топади. Дазмол босмай қўлинг синсин.

Турган жойимда қотиб қолдим. Ичкарида нимадир тарақлаб кетди, кейин бир нарса синди. Аёлнинг баралла бақириқ овози эшитилди.

—Урманг, урманг, бекордан бекорга урманг.

— Жон дадажон. Оиймга тегманг, ойижонимни урманг, — дея фарёд қиларди бир қизалоқ.

Вой тавба, наҳот шу Аҳмаджоннинг уйи бўлса, наҳот шундай хушмуомала йигит оилада шу қадар бешафқат бўлса? Орқага қайтишнинг иложи йўқ. Қўрқувдан нафаси тиқила-тиқила ойижонисини урмасликни дадасидан илтимос қилаётган қизалоқнинг ноласи тобора юракни эзиб борарди.

Шарт қўнғироқни босиб юбордим. Бир зумда ичкаридаги овозлар тиниб қолди.

— Ким? — эркак кишининг зардали овози эшитилди ичкаридан.

— Мен Каримжонман.

— Ҳозир...

Орадан икки дақиқа вақт ўтди. Кейин эшик очилиб, сочларини силлиқ тараб олган Аҳмаджон рўпарамга чиқиб келди.

— Ие, ие... Бормисиз? — деди у мен билан қучоқ очиб кўришаркан. — Қойилей, дўст дегани мана бунақа бўлибди-да. Ҳеч кутмагандим-а, қани-қани ичкарига кирайлик. Бир пиёла чойимиз бор.

— Раҳмат. Мен энди ноқулай вазиятда...

— Ноқулайлиги нимаси, «Қутлуғ уйдан қуруқ кетма» деганлар ахир. Ҳилола қарагин ким келди?

Йиғидан кўзлари шишиб кетган аёл йўлакка чиқди-да менга қараб зўр-базўр жилмайди. Унинг орқасидан онасининг этагини тортқилай-тортқилай тўрт-беш ёшлар чамасидаги қизалоқ мўралаб турарди.

Ўртача безатилган хонага киришимиз билан Аҳмаджон «янгиси»ни соғиниб қолгандирсиз» дея ҳажв дафтарини варақлаб юборди. Мен куламан. Ўзи ҳам қўшилишиб хонани бошига кўтариб кулади. Унинг ҳозирги кайфиятини кўрган одам бундан ўн-ўн беш дақиқа олдин шу уйда бўлиб ўтган машмашани хаёлига ҳам келтирмайди. Тавба, одам ҳам шунчалик тез турланадими? Ҳилолани айтинг, гўё ҳеч нарса кўрмагандек хизмат қилиб юрибди. Фақат кичик Раънохоннинг кўзларида ҳали ҳам қўрқув.

Кўп ўтмай Ҳилола Раънохонни олиб биз билан хайрлашиб кўчага чиқди. Аҳмаджон ҳам кийиниб, мен билан чиқди.

— Энди бундай, — деди у. — Бугун дам олиш куни. Бунинг устига роса соғинишганмиз. Чойхонага бориб бир қўлбола ош ясаймиз. Бошқа гап йўқ.

Рози бўлдим. Шу куни қозон бошида ҳам, ош устида ҳам Аҳмаджондан эрталабки жанжал ҳақида сўрашга неча бор чоғландиму, лекин негадир тилим бормади. Бунинг устига «янгиси»га янгисини улаб Аҳмаджон оғиз очиришга имкон бермади.

У билан тез-тез кўришиб турардик. Кейин бир-биримизникига оилавий меҳмонга борадиган бўлдик. Хотинларимиз ҳам чиқишиб қолишди. Бир куни аёлим:

— Бу Аҳмаджонингиз қанақа йигит ўзи? — деб қолди тўсатдан. Ҳайрон бўлиб унга тикилдим.

— Кеча ишхонадагилар билан киного тушган эдик. Ўша ерда бир аёл билан қўлтиқлашиб юрибди. Вой хотин бўлмай ўлгурнинг бесўнақайлигини айтинг. Оғайниз ўзи зукко бўлгани билан ўлгудек табиатсиз йигит кўринади.

Ўша куни кечқурун Аҳмаджонларникига борсам, уйда фақат Раънохон бор экан.

— Ойим касал бўлиб қолдилар. Ҳали дўхтирлар келиб олиб кетишди. Адам ишдан келганлари йўқ. Мен қўрқяпман, — деди у бўйнимга осилиб, йиғлаб.

Аҳмаджон келса зудлик билан менга телефон қилишини қўшниларга айтиб Раънохонни ўзим билан бирга олиб кетдим.

— Дадам ёмон, — деди у кўчада менга.

— Нимага? — сўрайман кулиб.

— Ойижонимни уради. Ҳар куни ичади. Мен ундан қўрқаман.

Шу чоқ Раънохонга раҳмим келиб кетди. У наздимда ҳимоясиз гулга ўхшарди.

Йўқ, Аҳмаджон эртасига ҳам, индинига ҳам телефон қилмади. Учинчи куни кечқурун ўзи кириб келди уйимизга. Совуққина кутиб олдик. Раънохон дадасининг овозини эшитиб нариги уйга қочиб кетди.

— Хотиндан куйдим ака, — деди у томдан тараша тушгандек. — Ишдан чарчаб келсам уйда йўқ. Қизини олиб қаёққадир кетибди.

Унинг яхшигина кайфи бор эди. Ҳар ҳолда тўсатдан ҳайдаб юбориш инсофдан эмас.

— Ҳилоланинг касалхонадалигидан хабарингиз борми? Кеча бориб кўриб келдик. Аҳволи анча оғир. Раънохон бизникида, — деди хотиним.

— Нима? — Аҳмаджоннинг кўзлари пирпираб кетди.

— Наҳотки, икки кундан бери уйга келмаган бўлсангиз?

Аҳмаджон жимиб қолди. Кейин кўзларини ишқаб ўрнидан турди. Хотинимдан касалхона манзилини сўрадида, индамай чиқиб кетди. Йўлакда Раънохон кўринди. Унинг кўзлари жиққа ёш эди.

Орадан уч кун ўтгач, кечки пайт телефон жиринглаб қолди. Гўшакдан Аҳмаджоннинг овози эшитилди.

—Бошимизга мусибат тушиб қолди, ака. Ҳилола касалхонада оламдан ўтибди. Тез етиб келинг.

Раънохонни болалар билан уйда қолдириб, эр-хотин Аҳмаджонникига, ундан касалхонага югурдик.

Ҳилола билан бир палатада ётган аёл бизни кўриши билан ҳўнграб юборди. У фақат: «Вой, гапириб туриб ўлиб қолдия», деган сўзни тинимсиз такрорларди. Кейин бироз ўзини босиб олгач, қўлимга бир мактуб тутқазди.

— Мана шу хатни кеча кечгача ёзди. Нима ёзяпсиз десам, васиятнома дейди бечора кулиб. Кейин билсам, ростдан ҳам васиятнома экан. Санитарлар ёстиғининг тагидан олиб менга тутқазишди. Уйдагиларига бериб қўярсиз, дейишди айланай.

Кечаси алламаҳалда уйга қайтгач хотиним билан хатни очиб ўқидик. Мана ўша дил мактуби:

«Қизим Раънохон! Дўмбоғим, менинг қалбимни, афсус-надоматларимни ёлғизгина сен тушуна оласан, жоним. Яна неча кунлик умрим қолди билмайман. Лекин бу ёруғ олам билан видолашадиган куним яқинлашиб қолганини юракдан ҳис этиб турибман. Одам боласи шунақа, ҳатто ўлишини ҳам билади. Мени кечир, қизим.

Мақсадим сенинг мактабга боришингни кўриш, бу қутлуғ кун билан сени табриклаш, папка кўтарган жажжи қўлларингдан айланиб, ўргилиб иссиқ бағримга босиш эди. Афсус, бу кун менга насиб этмади. Фақат биргина нарса — сенга мактаб учун зарур бўлган барча китоб-дафтарларни тайёрлаб қўйганим менга тасалли беради.

Қизим, бу фожеа учун дадангни лаънатлама. Унда ҳам гунох йўқ. Балки айб мендадир. Мен унинг кўнглидаги хотин бўла олмагандирман. Агар севги гунох бўлса, гунохим уни севганим.

Ҳаммасига чидадим. Барчасига бардош бердим. Дадангнинг дашномларию, таъналари, қилдан фил ясаб калтаклашлари қанчалик бағримни ўртаб, танамга азоб бермасин бировга чурқ этиб оғиз очмадим. Бу кунлар ўтиб кетар, орамиз яхши бўлиб, кўрмагандек бўлиб кетармиз, деган умидда эдим. Сенинг ҳаётингни, тақдирингни ўйлаб шундай қилдим. Ёлғизим, ота дийдорига тўёлмай қолишингдан қўрқдим. Чунки ўзим на отаю, на она меҳрини туйганман. Ақлимни таниб ота-онам меҳрини қўмсаганимда афсус улар оламда йўқ экан. Балки ўша меҳрибонларим бўлганида тақдирим ўзгача кечармиди? Ҳа, дунёда яхши одамлар кўп экан. Улар паноҳида камол топдим.

Даданг билан биринчи марта институт остонасида кўришдик. Ўшанда у институтнинг сўнгги курсида ўқир, мен эса эндигина ўқишга жойлашган эдим. У мени кўрдию орқамдан соядек эргашиб олди. Муҳаббатини рад этсам ўзини ўлдиражагини айтганда қўрқиб кетдим. Хаёлимдан унинг қиёфаси кетмай қолди. Кейин билсам мен ҳам уни ёқтириб қолган эканман. О, ўша вақтларда у қанақа қувноқ, қандай доно йигит эди. Дугоналарим мени бу бахт билан табриклашди. Кунларимиз ширин ва тотув ўтарди. Дунёда мендан бахтли аёл йўқ, деб ўйлардим ўша кезлари. Даданг маданият уйига бадиий раҳбар бўлиб бордию, бахтимга чечак чиқди. Кейин билсам у ўша ерда ишлайдиган бир аёлга кўнгил қўйиб қолган экан. Уни бу йўлдан қайтармоқчи бўлдим, ялиниб-ёлвордим. Муҳаббатимни, сени ўртага қўйиб қасам ичдим. Йўқ, бўлмади. Борган сари тўнини тескари кияверди. Лекин у уйда қанчалик золим, жоҳил бўлмасин кўча-кўйда юмшоқ супурги эди. Ширин гапириб ҳар қандай одамни ўзига ром қилдириб оларди. Ҳар қалай унда шунақа қобилият бор эди. Менинг ўзим билан ҳам шундай эди. Бировлар олдида оғзидан бол томардию, ёлғиз вақтларимда захрини сочарди. Охирги умид-ишончим ўша аёлдан эди. Ахир у ҳам одамку, олдига бориб бор гапни айтсам менинг аҳволимни тушунар, бизга ҳам раҳм қилар деб ўйлардим. Шу мақсадда у билан учрашдим. Афсус у мени тушунмади.

Ишон қизим. Йўқ, йўқ ўша дамда ҳам мен ўзимни ўйламадим. Дадангнинг тақдирини ўйлаб, шу шаллақи хотин билан ўтказадиган бемаъни кунларини ўйлаб, юрагим ачишиб кетди. Ахир ўз эрини, оиласини ташлаб бировнинг жуфти ҳалолига кўз олайтирган аёлдан нимани кутиш мумкин?

Мана шуниси алам қилди менга. Ҳамма нарсага ақли етадиган отангнинг шунга қолганда кўр ва кар бўлиб қолгани алам қиларди менга.

Ҳа, қалб бардошининг ҳам чегараси бўларкан, қизим. Мана ниҳоят менинг ҳам бардошим тугади. Афсус, отанг буни тушунмаяпти. Тушунишни хоҳламаяпти.

Ҳаётда яхши одамлар кўп. Улар орасида сен ҳеч қачон хор-зор бўлмайсан. Бир илтимосим, катта бўлганингда бебахт онангни қарғама. Афсус сенга қолдирадиган бирор арзигулик ёдгорлигим ҳам йўқ. Мана шу хат сенга онангдан бирдан бир ёдгорлик бўлиб қолар, деган ниятда бор сирни, юрак дардларимни сенга батафсил ёздим.

Алвидо, қизим, кўзимнинг оқу қораси Раънохон!»

Ҳайкалдек қотиб қолдим. Имзо тагидаги числога аранг қарай олдим. Мактуб бундан роппа-роса бир кун олдин ёзилган эди. Бирдан кўз олдимда Ҳилоланинг жамоли жонланди. Мана у ҳоргин, жимгина ўтирибди. Кулимсираган кўз милкида ёш қалқиди. Борабора у йирик томчиларга айланиб бирин-сирин юзларига думалаб туша бошлайди. Раънохон қўрқиб, титраб-қақшаб онасининг этагидан тортиб турибди. Гўё қўйиб юборса онаси уни бутунлай ташлаб кетиб қоладигандек.

Бу манзарага парво қилмаган Аҳмаджон ёнидаги қандайдир беўхшов аёлнинг қўлтиғидан тутиб олган. Аёлнинг оғзини катта очиб кулишидан Аҳмаджон гўё унга янги латифа айтиб бераётгандек.

...Кечқурун дафн маросимини ўтказиб, уйга қайтишим олдидан Раънохонни четга чақирдим. У зада бўлган қушдек аста олдимга келдию, бирдан йиғлаб бўйнимдан қучди. Чидаб туролмадим. Чуққалаганимча уни узоқ бағримга босдим. Бирдан хат хаёлимга келди. Уни берсаммикан деб ўйланиб қолдим. Лекин у ҳозир бу қайноқ сатрлардаги сўзларнинг мағзини чақа олмайди, деган фикр билан хатни ҳозирча ўзимда сақлаб қолдим. Вақти келса мактубни албатта унга топшираман. Чунки бу қиз учун онадан қолган ягона ёдгорлик.

Аҳмаджон билан истар-истамай хайрлашарканман, у менинг қўлишимни илтимос қилди. «Янгиси»дан айтиб бераман деди. Шу топда у кўзимга янада тубан кўриниб кетди. Аблаҳ! Шу вазиятда ҳам унинг юрагига «янгиси» сиққанини қаранг-а. Бирор ножўя сўз айтиб юборишдан аранг ўзимни тутиб қолдим.

Бу воқеа Аҳмаджон сингари кўча хандон, уй зиндон кишиларга ибрат бўлар, деган умидда уни газетхонлар ҳукмига ҳавола этдим.

**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ**

## АХБОРОТ АСРИНИНГ ЯНГИ ТАЛАБЛАРИ

**_Маълумотларга қараганда, АҚШнинг «Майкрософт» компанияси 2000 йил бошларида қарийб 20 миллиард долларлик маҳсулот ишлаб чиқарган. Компаниянинг нархи 586 миллиард долларга тенг бўлган._**

Ахборот технологиялари соҳасида фаолият юритувчи бошқа компаниялар ҳам ундан қолишмаган. Хусусан, «Нокиа» компанияси ўша йили бозорга 13 миллиард долларлик маҳсулот чиқарган.

Компаниянинг нархи эса 208 миллиард доллар бўлган. «Оракл»нинг савдо ҳажми 8,8 миллиард, нархи 151,9 миллиард долларни ташкил этган.

«Битмас-туганмас бойлик манбаи», «ўлмас бизнес» дея таъриф берилган бу соҳа ўша йиллари исми жисмига монанд кўринганди. Бундан шубҳаланганларга эса «Майкрософт» раҳбари, дунёнинг энг бадавлат одами Билл Гейтсни мисол қилиб кўрсатишар ва барча гумонлар ўз-ўзидан йўқолар эди. Ўтган аср охирларига келиб, ахборот технологияларини ишлаб чиқаришга йўналтирилган сармоя ҳажми иқтисодиётнинг бошқа соҳаларидаги маблағдан бир неча баробар кўп бўлгани ҳам шундан. Маълумотларга қараганда, 1997-2000 йиллар давомида ахборот технологиялари соҳасига киритилган сармоя ҳажми АҚШда 2,1 баробар, Европа мамлакатларида эса 60 фоиз ошган.

Бир неча йил мобайнида ўзига хос «иссиқхона» шароитида яшаб келган ахборот технологияларига иқтисодий талаблар, сармоядорлар хоҳиш-истаги ўзгаргани сайин иқтисодиётнинг бошқа соҳалари билан рақобатлашишга, янги вазиятга мослашишга тўғри келди. Мазкур компаниялар жаҳон бозорига чиқараётган маҳсулоти ҳамда техникавий ихтиролар учун сарфлайдиган маблағи ҳажмини оширишга тушди. Илгари фойда келтирмаслик эҳтимоли юқори бўлган лойиҳаларни амалга оширишдан унчалик чўчимаган компаниялар энди ўзининг ҳар бир маҳсулотидан келадиган моддий фойдани биринчи ўринга қўядиган бўлди.

Жаҳон иқтисодиётидаги вазиятнинг ўзгариши авваламбор ундаги «оғирлик марказлари»нинг Ғарбдан Шарққа кўчишида намоён бўлди.

Бугунги воқелик ахборот ва ахборот технологияларининг ўзигагина эгалик қилиш кифоя эмаслигини кўрсатмоқда. Ахборот асри инсониятга янги қулайликлар ва мислсиз кашфиётлар бериш билан бирга, анчагина мураккаб муаммоларни ҳам қўймоқда.

**ЎзА**

## ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

**_Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги 2-Мурувват уйида Меҳр ва мурувват йилига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди._**

Тадбирда мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялаш борасида улкан ишлар амалга оширилаётгани, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилалар фарзандлари, ногиронлар, якка-ёлғиз қарияларга доимий тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатилаётгани таъкидланди.

Юртимизда фаолият юритаётган Мурувват уйларида тарбияланаётганлар тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилинаётир. Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги 2-Мурувват уйида тўрт юз нафар бола тарбияланади. Йигирма нафарга яқин тарбиячи ва қатор халқаро ташкилотларнинг кўнгилли вакиллари улар хизматида.

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Фарғона, Қашқадарё вилоятлари ва пойтахтимиздаги Мурувват уйлари вакилларига инсонпарварлик ёрдами — телевизор, видеомагнитофон, спорт анжомлари топширилди. Бу ёрдам «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ташаббуси билан давлат, жамоат ва халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган хайрия концертидан тушган маблағ ҳисобига ташкил этилди.

*Мулоҳаза*

## ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТ— МУҲИМ ОМИЛ

**_Республикамиз мустақиллигининг мустаҳкамланиб бориши жараёни кўп жиҳатдан иқтисодий ривожланиш ва ишлаб чиқаришнинг ўсиши билан боғлиқ. Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини белгиловчи омиллардан бири саноат ва қишлоқ хўжалиги жабҳаларидаги ишлаб чиқаришдир. Ҳозирги кунда Ўзбекистон аграр-индустриал мамлакатлардан бири ҳисобланади._**

Шу муносабат билан «Қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқараётган кишиларнинг аксарияти табиат ва жамият, уларнинг ўзаро муносабатига оид қонунларни билишадими?», «Мазкур қонунларни билганда эса бу қонунларга ўз фаолиятларида риоя қиладими?», «Табиат ва жамият орасидаги муносабатларда мувозанат қонунлари бузилмаяптими?»,— қабилидаги саволларнинг туғилиши табиий. Мазкур саволларга жавоб бериш биздан алоҳида илмий изланишлар ўтказишни тақозо қилади. Шуни таъкидлаш лозимки, бу қонунларни билиш табиатга, ишлаб чиқаришга бевосита таъсир этади. Кейинги йилларда атроф-муҳитнинг тез фурсатларда ифлосланиб кетиши уларга амал қилмаслигимиздан далолат бермоқда.

Жумладан, биз йил сайин кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга интилаяпмиз, мазкур ҳодиса табиатга, атроф-муҳитга таъсирни сезиларли даражада кучайтиряпти. Атроф-муҳитга салбий таъсирнинг кучайиши натижасида унинг ифлосланиши ошиб боряпти. Ишлаб чиқариш албатта атроф-муҳитга таъсир қилади, унинг салбий таъсирини бутунлай йўқ қилиб бўлмайди, фақат камайтириш мумкин. Мазкур хулоса ишлаб чиқариш ўсишини тўхтатиш лозим деган маънони билдирмайди, балки энг янги технологияни қўллаш ҳисобига бунга эришиш мумкин. Юқоридаги омиллар, табиат ва жамият, уларнинг ўзаро муносабатлари ушбу қонунларга оид билимларимизни ишлаб чиқариш жараёнига татбиқ этиб, атроф-муҳитга камроқ салбий таъсир кўрсатиш, бундай таъсирларнинг олдини олишга интилиш бизда экологик онгнинг шаклланишини тақозо қилади.

«Хўш, нима учун ҳозирги даврда атроф-муҳитнинг ифлосланиб бориши давом этмоқда?» деган савол ҳам шу ўринда беихтиёр юзага келади. Бунинг асосий сабаби экологик таълим ва тарбиянинг яхши йўлга қўйилмаганлиги, унинг анчайин самарасизлиги, ишлаб чиқаришга экологик тоза, илғор технологияни жорий этиш учун молиявий имкониятлардан унумли фойдаланилмаётгани ва кадрларнинг қунимсизлиги, атроф-муҳитга муносабатни бошқариб турувчи омилларнинг такомиллашмаганлиги бўлса ажаб эмас.

Экологик онгнинг ўсиши билан узвий равишда мамлакатимизда моддий ишлаб чиқариш ҳам ривожланиб боради, унинг табиатга, атроф-муҳитга кўрсатадиган салбий таъсири сезиларли даражада камайиб, иқтисодий тараққиёт юксалади. Шу тариқа республикамизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий Мустақиллиги янги босқичларга кўтарилади.

**Холмат САМАТОВ**
**Фалсафа фанлари, номзоди.**

*Тадбирлар*

## СИЗ ҲАМОН АРДОҚДАСИЗ

**_Ғазал мулкининг султони шоир Алишер Навоий таваллудига бағишланган тадбирлар, хотира кечалари ва ғазалхонлик ҳамон давом этмоқда. Чунки Навоийхонлик кунлари бир ой давомида ўтказилиши режалаштирилган._**

Яқинда Акмал Икромов туманидаги 245-мактабда «Сиз ҳамон ардоқдасиз, шоирим» деб номланган тадбир бўлиб ўтди. Мактаб зали байрамона тарзда безатилиб буюк мутафаккир ҳаёти ва ижодига бағишланган деворий газеталар, альбомлар ҳамда буклетлар дид билан жиҳозланди.

6-«А» синф ўқувчилари Фотима ва Хусан Ҳакимовлар, Ҳожинисо Турсунова, Гавҳар ва Инобат Абдуқодировалар кечанинг қизиқарли ўтишида фаол иштирок этдилар. Тадбир давомида Навоий ғазаллари асосида бахру байт ўтказдилар. «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» достонлари асосида саҳна кўринишларини моҳирона ижро этиб, Навоийнинг мумтоз ғазалларидан рубоийларини шоирона лутф ила ўқишга ҳаракат қилдилар.

Мазкур кечанинг жонли ўтишида она тили ва адабиёт ўқитувчилари Малоҳат Ёқубова, Васила Аҳмедова, Феруза Мақсудоваларнинг хизматлари ҳам таҳсинга лойиқдир.

Кеча сўнгида мактаб директори Ф.Муҳиддинов ва тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари Д.Ҳакимова барча кеча қатнашчиларига миннатдорчилик билдирдилар.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**_Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъмирлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадига ўтказиш ва қарз ҳисобига ундиришлик учун хатланиб банд солинган қуйидаги автомототранспорт воситаларини ким ошди савдоси ўтказилади._**

1. «Заз-968» автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами М 49-54 ТН, бошланғич нархи 100 000 сўм, техник носоз;

2. «Москвич-412» автомобили, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами Э 30-61 ТН, бошланғич нархи 150 000 сўм, техник носоз;

3. «Рейсер» автомобили, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 G 11-71, бошланғич нархи 3 000 000 сўм, техник соз;

4. «Газ-31029» автомобили, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 21-30 ТНС, бошланғич нархи 200 000 сўм, техник носоз;

5. «Нексия» автомобили, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 Н 77-22, бошланғич нархи 3 000 000 сўм, техник соз;

6. «Тико» автомобили, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 К 61-06, бошланғич нархи 1 500 000 сўм, техник соз;

7. «Вольво 740 GL» автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АР 383, бошланғич нархи 500 000 сўм, техник носоз;

8. «БМВ-325» автомобили, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси Н 96-30 НА, бошланғич нархи 1 000 000 сўм, техник носоз;

9. «М-21» автомобили, 1969 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 Z 25-24, бошланғич нархи 250 000 сўм;

10. «Ваз-21013» автомобили, давлат рақам белгиси 10 W 16-89, бошланғич нархи 200 000 сўм;

11. «Дэу-Пакер» автомобили, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси М64 04-33, бошланғич нархи 2 500 000 сўм;

12. «Газ-53» юк автомобили, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси Ц 50-10 ТШ, бошланғич нархи 160 000 сўм, техник носоз;

13. «Зил-ММЗ-41021» юк автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АО 710, бошланғич нархи 350 000 сўм, техник носоз;

14. «Маз-5549» юк автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АО 711, бошланғич нархи 570 000 сўм, техник носоз;

**_Ким ошди савдоси 2004 йил 20-21 февралда соат 11-00 да ўтказилади._**

**_Ким ошди савдоси суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими биносида ўтказилади._**

**_Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй, 2-қават._**

**_Маълумот учун телефонлар: 144-54-08, 41-16-38._**

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»
газеталари таҳририяти реклама агентларини ишга қабул қилади.
Маълумотлар учун телефон: 133-28-95

Poytaxt INFORM FM 107.2
132-26-44 132-26-45
Кўнгил учун мусиқа, мулоҳаза учун ахборот. Пойтахт ўз радиосини танлайди «Пойтахт-Информ».

*Спорт*

## МУҲАММАДҚОДИР ЯНА ҒОЛИБ

**Илгари хабар берганимиздек, Германиянинг Любек шаҳрида ҳамюртимиз Муҳаммадқодир Абдуллаев ўзининг профессионал рингдаги навбатдаги жангини ўтказди.**

Венесуэланинг энг кучли чарм қўлқоп усталаридан бири Ричард Рейна билан учрашув бу гал бир оз ўзгача кечди. Баҳс бошларида Ричард Рейна рақибининг белидан пастига зарба бериб, бокс қоидаларига хилоф хатти-ҳаракатларни амалга оширгани учун ҳакам ўйинни тўхтатди ва венесуэлалик боксчини мағлуб деб топди.

Шундай қилиб, профессионал рингда ўзининг навбатдаги ғалабасига эришган Муҳаммадқодир IBF йўналиши бўйича «олтин камар» сари яна бир қадам қўйди.

## ПОЙТАХТ ЖАМОАЛАРИ ПЕШҚАДАМ

**Қўл тўпи — гандбол бўйича эркаклар жамоалари ўртасида мамлакат чемпионати баҳслари бошланди.**

Жамоалар биринчи тур учрашувларини ўтказишди. Ўзбекистон Миллий университети спорт залида 12 жамоа икки гуруҳга бўлинган ҳолда баҳс юритди.

Биринчи тур беллашувларидан сўнг биринчи гуруҳда Чирчиқнинг «Танкчи» жамоаси 10 очко жамғарган ҳолда турнир пешқадамига айланди. Ҳамшаҳарларимиз — Ўзбекистон Миллий университети командаси 8 очко тўплаган ҳолда иккинчи ўринда бормоқда.

Иккинчи гуруҳдаги жамоалар ўртасида барча учрашувларда ғалаба қозонган Тошкентнинг «Ёшлик» жамоаси карвонбошиликни қўлдан бермай келяпти. Ушбу жамоа ҳисобида ҳозирча ўн очко мавжуд. Ушбу гуруҳда шаҳримизнинг яна иккита жамоаси бўлиб, 6 очкога эга БЎОЗСМ-5 учинчи, Тошкент тўқимачилик институти гандболчилари эса тўртинчи ўринда боришмоқда.

Иккинчи тур баҳслари март ойи бошларида Наманган шаҳрида ўтказилади.

Аёллар командалари ҳам шаҳримизда чемпионатнинг дастлабки тур учрашувларини бошлашди. Унда шаҳримиздан «Алгоритм-1»: «Алгоритм-2», Ўзбекистон Миллий университети командалари иштирок этмоқда.

**Даврон НУРМАТОВ**



*Футбол*

## ДАСТЛАБКИ ЎЙИНДА ЖАНГОВАР ДУРАНГ

***Хабар берганимиздек, кеча «Пахтакор» марказий стадионида терма жамоамиз ўзининг мавсумдаги илк, ФИФА рўйхати бўйича эса бир юз олтинчи учрашувини ўтказди. Унда чарм тўп усталаримиз 2006 йили Германияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатига саралаш турнири доирасида Осиё қитъасининг иккинчи гуруҳидаги энг кучли рақиб — ироқлик футболчилар билан баҳс юритишди.***

Ўзбекистон терма жамоаси ўйинга қуйидаги таркибда тушди: Алексей Поляков, Бахтиёр Ашурматов, Асрор Алиқулов, Александр Хвостунов, Николай Ширшов (жамоа сардори), Сервер Жепаров, Андрей Акопянц, Виктор Карпенко, Тимур Копадзе, Владимир Шишелов, Максим Шацких.

Футболчиларимиз дастлабки дақиқаларданоқ ҳужумкор руҳда ўйнашга интилишди. Айниқса чап қанотда Андрей Акопянц, шунингдек Владимир Шишеловлар бир неча бор хавфли вазиятларни юзага келтиришди. Бироқ мамлакатимизда қиш ҳукмронлиги, футболчиларда ўйин амалиёти етишмаслиги, ҳали мавсум бошланмаганлиги сабабли терма жамоамиз ўйини унчалик қовушмаганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Бинобарин, ҳал қилувчи вазиятларда футболчиларимизга аниқлик етишмади.

Рақибларимиз ҳам Осиёнинг энг кучли жамоалари қаторига киришлари бежиз эмаслигини яшил майдонда исботлашди. Жумладан, улар ҳам кўплаб хавфли қарши ҳужумлар уюштирган ҳолда ғалаба учун кураш олиб боришди.

Шу тариқа деярли тенг курашлар остида ўтган биринчи бўлим 0:0 ҳисобида якунланди.

Иккинчи бўлимда ҳам рақибларимиз шиддатли ҳужумлар уюштиришни давом эттиришди. Дарвозамиз олдидаги хавфли вазиятларнинг бирида Аҳмад Албон икки ҳимоячимиз қуршовида эканлигига қарамасдан боши билан аниқ зарба берган ҳолда ҳисобни очишга муваффақ бўлди. Тез орада қўполлиги сабабли ироқлик Ҳайдар Қадим майдондан чиқариб юборилди.

Иккинчи бўлимда Леонид Кошелев, Миржалол Қосимов ва Анвар Солиев каби етакчи чарм тўп усталарининг майдонга тушиши футболчиларимиз ўйинини бирмунча кучайтирди.



Ўйин охирларида рақиблар дарвозаси томон жарима тўпи белгиланиб, уни Миржалол Қосимов бажарадиган бўлганда ишқибозларимизда умид учқунлари уйғонди. Дарҳақиқат, Миржалолнинг тепган тўпи жонли деворга тегиб қайтган бўлса-да, бироқ вазиятдан унумли фойдаланган Анвар Солиев уни дарвозага аниқ йўллашга муваффақ бўлди.

Шундай қилиб терма жамоамизнинг янги мавсумдаги дастлабки расмий учрашуви 1:1 ҳисобида жанговар дуранг билан якунланди.

Ироқликлар билан жавоб учрашуви шу йилнинг ўн учинчи сентябрида ўтказилади. Саралаш гуруҳидаги кейинги ўйинда эса мамлакатимиз футболчилари 31 мартда сафарда Хитой Тайпейи жамоасига қарши майдонга тушадилар. Эслатиб ўтамиз, ушбу гуруҳдан Фаластин терма жамоаси ҳам ўрин олган.

Қуйида Осиё қитъаси иккинчи саралаш гуруҳидаги ўйинлар тақвими билан таништириб ўтамиз.

***31 март***
***Фаластин — Ироқ***
***Хитой Тайпейи — Ўзбекистон***
***9 июнь***
***Ўзбекистон — Фаластин***
***Ироқ — Хитой Тайпейи***
***8 сентябрь***
***Фаластин — Ўзбекистон***
***Хитой Тайпейи — Ироқ***
***13 октябрь***
***Хитой Тайпейи — Фаластин***
***Ироқ — Ўзбекистон***
***17 ноябрь***
***Ироқ — Фаластин***
***Ўзбекистон — Хитой Тайпейи***

**Дилмурод ИСМОИЛОВ**

## ЙЎЛЛАНМАЛАР СОНИ ОРТМОҚДА

***Шу йилнинг 13-29 август кунлари Грециянинг Афина шаҳрида ёзги Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтади. Айни пайтда ҳамюртларимиз ана шу йирик спорт анжуманида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун курашмоқда.***

Куни кеча яна уч нафар ҳамюртимиз XXVIII Олимпиада ўйинларида қатнашиш учун махсус лицензияни олишга эришди.

Франция пойтахти Париж шаҳрида дзюдо бўйича ўтказилган Гран-при туркумига кирувчи супер «А» турнирида оғирлиги 100 килограммдан зиёд дзюдочилар баҳсида совриндорлар қаторидан жой олган ҳамюртимиз Абдулла Тангриев олимпия йўлланмасини олди.

А.Тангриевдан олдин дзюдочилардан Э.Акбаров ҳам Афинага йўлланмани нақд қилганди.

Эркин курашчилардан яна икки нафар спортчимиз Олимпиадага борадиган бўлди. Словакияда ўтказилган халқаро турнирда Артур Тавказаков ва Магомед Ибрагимов имкониятдан унумли фойдаланди.

Бунгача эркин курашчилардан Д.Мансуров, А.Таймазов, Д.Захардинов ҳам олимпия лицензиясига эга бўлганди.

10 февралгача бўлган натижаларга кўра 31 нафар спортчимиз ўнта спорт тури бўйича Олимпиада ўйинларида юртимиз шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқини қўлга киритган.

Эсингизда бўлса, биринчи олимпия лицензиясига ўтган йилнинг июль ойида Швейцариянинг Айгл шаҳрида жаҳон чемпионатининг «Б» гуруҳида муваффақиятли қатнашган велоспортчи С.Лагутин эришганди.

Айни пайтда спортчиларимиз орасида сузувчилар энг кўп йўлланма олишга муваффақ бўлган. Сузиш бўйича бирваракайига еттита ҳамюртимиз - А.Агафонов, О.Пухнатий, А.Васильев, Р.Начаев, И.Шмелева, А.Морковин, О.Сидиров Грецияга боради.

Бундан ташқари, С.Войнов, Л.Перепелова, Г.Хуббиева, А.Журавлева, В.Смирнов (енгил атлетика), О.Чусовитина (спорт гимнастикаси), А.Чеглаков (юнон-рум кураши), Е.Хилко (трамполин), Б.Усмонов, А.Ўринов, И.Халилов (оғир атлетика), Б.Султонов, Р.Саидов, Д.Маҳмудов, Ш.Ҳусанов, Б.Хидиров (бокс) ҳам Афинага йўлланмани нақд қилди.

Ҳали XXVIII Олимпиада ўйинлари бошланишига олти ой бор. Бу вақт мобайнида спортчиларимиз Афинага йўлланма берадиган мусобақалар - жаҳон кубоги, Осиё чемпионати ҳамда нуфузли халқаро турнирларда иштирок этади. Ҳисоб-китобларга қараганда, эркин ва юнон-рум кураши, бокс, оғир атлетика, теннис, қиличбозлик, дзюдо, таэквондонинг ВТФ йўналиши, байдарка ва каноэда ҳамда академик эшкак эшиш бўйича спортчиларимиз олимпия лицензиясини олиши мумкин. Вакилларимиз ҳали Афина Олимпиадасига йўлланма олиш учун имкониятлар етарли. Халқаро майдонларда ютуқларимизнинг ортаётгани эса юртимизда спортни ривожлантириш тўғри йўлга қўйилганининг яна бир исботидир.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**


Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 5576 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-307. 1 3456